

5. Абдурахманов К.Х. Трансформация рынка труда в условиях внедрения искусственного интеллекта. // Экономика труда Том 10, Номер 2, Февраль 2023. Russian Journal of Labor Economics ISSN 2410-1613.
6. Gulyatov, S.S., Shermukhamedov, A.T., Mukhiddinova, M.H. (2022). Development of artificial intelligence in Uzbekistan. SJ International journal of theoretical and practical research, 2 (5), 7-17.
7. Yamamoto, I. (2019), "The impact of AI and information technologies on worker stress", VoxEU, <https://voxeu.org/article/impact-ai-and-information-technologies-worker-stress>
8. Acemoglu, D. and P. Restrepo (2019), "Automation and New Tasks: How Technology Displaces and Reinstates Labor", Journal of Economic Perspectives, Vol. 33/2, pp. 3-30, <http://dx.doi.org/10.1257/jep.33.2.3>
9. Жаҳон банки 2022 йил ҳисоботи. (World Bank Report 2022)
10. Klochkova, E. N., & Sadovnikova, N. A. (2019). Transformation of education in the context of digitalization. Open education, 23(4), 13–22. <https://doi.org/10.21686/1818-4243-2019-4-13-22>.
11. V.V.Kubalova, M.V.Smagina. Development of human capital in the era of digital transformation. The European Proceedings of Social and Behavioral Sciences EpSBS © 2022 Published by European Publisher.
12. Рақамли дивидендлар. Жаҳон ривожланиши ҳақидаги маъруза шарҳи. 2016. Жаҳон банки, 2016. 33 бем
13. Sh. Muhammad. Human capital for fourth industrial revolution: Human capital 4.0. DOI:10.4324/9781003195894-10.
14. Васина В.Н., Черненко И.М. Цифровой человеческий капитал на российском рынке труда: роль интернета и компьютерных компетенций в формировании заработной платы // Экономика труда. – 2021. – Том 8. – № 12. – С. 1427–1444. DOI: 10.18334/et.8.12.113908.
15. E.A. Stryabkova, J. V. Lyshchikova, N. A. Gerasimova, A. M. Kulik, E. V. Weis. Transformation of the reproduction of human capital in the context of the digital economy. Nexa Revista Cientifica. Vol. 34, No. 01, pp. 477-488/Marzo 2021.
16. E.A. Stryabkova, J. V. Lyshchikova, N. A. Gerasimova, A. M. Kulik, E. V. Weis. Transformation of the reproduction of human capital in the context of the digital economy. Nexa Revista Cientifica. Vol. 34, No. 01, pp. 477-488/Marzo 2021.
17. Kolmykova, T.S., Zelenov, A.V. (2020). Novoye kachestvo chelovecheskogo kapitala v kontekste tsifrovoy transformatsii ekonomicheskogo prostranstva [New quality of human capital in the context of digital transformation of the economic space]. Economics and Management: Problems, Solutions, 1(4), 4 – 8.



**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВИНИНГ
САМАРАДОРЛИГИ**

 doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a10

Турсунов Шерзод Абдуқодирович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Менеджмент ва маркетинг кафедраси доценти
Раҳманкулов Жамшид Аликулович -

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги
Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш
агентлигининг Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи

Аннотация. Мақолада рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда маҳаллий бошқарувнинг аҳамияти ва самарадорлиги масалалари Қашқадарё вилояти мисолида ёритилган бўлиб, бошқарувда рақамли технологиялардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари, рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича вилоятнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, маҳаллий бошқарув, самарадорлик, ялпи ҳудудий маҳсулот, ялпи ички маҳсулот, иқтисодий кўрсаткич, инвестиция, капитал, экспорт, импорт, кластер, лойиҳа.

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ МЕСТНОГО САМОУПРАВЛЕНИЯ КАШКАДАРЬИНСКОЙ
ОБЛАСТИ В УСЛОВИЯХ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ**

Турсунов Шерзод Абдуқодирович -
доцент кафедры менеджмента и маркетинга Ташкентского
государственного экономического университета

Раҳманкулов Джамшид Аликулович -
руководитель Кашкадарьинского регионального отделения
Агентство маҳаллабайской занятости и развития предпринимательства
при Министерстве занятости и сокращения бедности

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы важности и эффективности местного управления в развитии цифровой экономики на примере Кашкадарьинской области, представлены основные направления эффективного использования цифровых технологий в управлении, экономические показатели региона по использованию цифровых технологий.

Ключевые слова: цифровая экономика, местное управление, эффективность, валовой региональный продукт, валовой внутренний продукт, экономический показатель, инвестиции, капитал, экспорт, импорт, кластер, проект.

THE EFFECTIVENESS OF LOCAL GOVERNMENT OF THE KASHKADARYA REGION IN THE CONDITIONS OF THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY

*Tursunov Sherzod Abdukodirovich -
associate professor of the Department of Management and
marketing of Tashkent State University of Economics*

*Rahmankulov Jamshid Alikulovich -
Head of Kashkadarya Regional Department of Mahallabay
Employment and Entrepreneurship Development
Agency under the Ministry of poverty reduction and employment*

Annotation: this article covers the issues of the importance and effectiveness of local government in the development of the digital economy on the example of Kashkadarya region, presents the main directions of the effective use of digital tax technologies in management, the economic indicators of the region on the use of digital technologies.

Keywords: digital economy, local government, efficiency, gross regional product, gross domestic product, economic indicator, investment, capital, export, import, Cluster, project.

Кириш. Рақамли иқтисодиёт ҳудудларни самарали ривожлантириш учун асос сифатида хизмат қилади, шунингдек, саноат тармоқлари ҳамда хизмат кўрсатишни самарали ривожлантиришни рағбатлантиради. Иқтисодиётда ахборот коммуникация технологияларини қўллаш йирик ва кичик корхоналар ўртасида тенг имкониятлар яратади, бу эса уларнинг фаолияти самарадорлигини оширади ва соҳада рақобатни таъминлайди. Рақамли трансформациянинг белгиловчи омили унинг суръати ҳисобланади. Технология ривожланишининг тезлиги ва натижаси ижтимоий-иқтисодий, инфратузилмавий ўзгаришларнинг инсон ҳаёти билан боғлиқлиги ривожланиш тезлигида сифатли поғонани кўрсатиш имконини беради, бу эса янги даврга ўтишни англатади.

Ш.М. Мирзиёев “Маҳаллий бошқарув соҳасидаги ислохотларнинг кучайтирилиши, ҳудудларни рақамлаштиришни давом эттириш, қонун устуворлиги ва халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. У коррупцияни камайтиради, давлат бошқарувидаги шаффофликни таъминлайди, халқ ҳаётининг энгиллашишига, қулайлашишига хизмат қилади”[1] дея таъкидлаб ўтади.

Давлат бошқаруви идоралари фаолияти тубдан такомиллаштирилади, яъни марказлашишдан воз кечилиб, бошқарув рақамлаштирилиши лозим. Бугунги кунда ҳокимларнинг ижро ва вакиллик ҳокимияти раҳбари сифатидаги ваколатлари алоҳида-алоҳида ажратиб қўйилмоқда. Келажакда ҳокимларни сайлаш тизимига ўтилиши ҳам ҳудуддаги бошқарув тизими демократлашишига хизмат қилиши шубҳасиз. Шундай экан, бундай ислохотларни давом эттириб бориш айни муддао.

Янги ислохотларга мувофиқ ҳокимлар эндиликда фармонлар, қарорлар, концепция ва стратегияларда белгиланган кўрсаткичлар ва мақсадли параметрларнинг ижроси бўйича ўз ҳудудларидаги оммавий ахборот воситалари ва

жамоатчиликка мунтазам ахборот бериб туриши лозим. Ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари фаолияти самарадорлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати-ни ривожлантириш агентлиги томонидан ишлаб чиқилган энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) тизими асосида баҳоланади. КРІ тизимида баҳоланган бошқарувнинг рақамли кўрсаткичларидан биридир.

Маҳаллий бошқарув соҳасидаги ислохотларнинг кучайтирилиши қонун устуворлиги ва халқ ҳокимиятчилигини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. У коррупцияни камайтиради, давлат бошқарувидаги шаффофликни таъминлайди, халқ ҳаётининг энгиллашишига, қулайлашишига хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Fang Zhao, Joseph Wallis, Mohini Singh ўз илмий қарашларида “ахборот технологиялари ва ҳукумат ўртасидаги муносабатларга оид адабиётлар узоқ вақтдан бери назарий ривожланиш ва эмпирик тестларнинг камлигидан азият чекиб келмоқда, аммо таъкидлаб ўтиш жоизки рақамли иқтисодиётнинг кириб келиши маҳаллий бошқарувни ҳам рақамлаштиришга эҳтиёжни юзага келтирди. Демак рақамлаштириш бошқаришдаги бир қатор муаммоларни ҳал қилиб бериши мумкин”[2] лигини айтиб ўтганлар.

Хитойлик олимлар Enji Li, Qing Chen, Xinyan Zhang, Chen Zhang бошқарувда рақамли ҳукуматнинг ривожланиши ахборот шаффофлигини ошириши, ҳукумат хатти-ҳаракатларини тартибга солиши, корхоналар фаолиятларини назоратини таъминлаш ва ҳудуднинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун энг қулай рақамли воситадир”[3] деб келтириб ўтган.

М.А. Шнепс-Шнеппе ва Намиот Д.Е. ўзининг тадқиқотларида ҳудудларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали бошқарувни такомиллаштириш, АКТ соҳасини ривожланишининг асосий бўғини эканлиги ва унинг

хусусиятлари тўғрисида назарияларини тадқиқ этиб ўтишган[4].

Л.В. Лapidус ўз тадқиқотларида рақамли технологиялар эволюцияси таъсири остида маҳаллий бошқарувда аҳолини бизнесга йўналтириш, бизнес моделларини яратиш нуқтаи назаридан электрон бизнес ва электрон тижоратни бошқариш бўйича назарий қоидалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган[5].

Ш.Р. Холмўминов “Маҳаллий бошқарув кадрлар менежменти” номли ўқув қўлланмасида маҳаллий бошқарув кадрлар фаолиятининг натижаларини баҳолаш, бошқарув меҳнатини баҳолаш ва баҳолаш усуллариининг ўзига хос жиҳатларини ёритган. Шунингдек, бошқарув объектининг ишлаб чиқариш натижаларига қараб ходимга баҳо бериш масалаларига эътибор қаратган[6].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан бири бўлган С.С. Гулямов раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи рақамли иқтисодиётда ахборот-коммуникация технологияларини қўллашнинг аҳамияти сифатида “жараёнларни таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш ва катта ҳажмли маълумотларни қайта ишлаш асосида турли хилдаги ишлаб чиқаришлар, технологиялар, асбоб-ускуналар, товарлар ва хизматларни сақлаш, сотиш ва етказиб бериш самарадорлигини жиддий равишда оширишга имкон берадиган ва рақамли кўринишдаги маълумотлар асосий ишлаб чиқариш омили деб саналган хўжалик фаолиятидир” деб таърифлаш тўғри бўлишини таъкидлашган. Шу билан бирга, ушбу таъриф фойдаланиш учун ноқулай эканлигини айтиб, кўйидаги функционал таърифни келтирганлар: “Рақамли (электрон) иқтисодиётда ахборот-коммуникация технологиялари-ахборот, жумладан, шахсий ахборотдан фойдаланиш ҳисобига барча қатнашчилар эҳтиёжларини максимал даражада қондириш унинг ўзига хос хусусияти бўлган рақамли технологиялардан фойдаланилувчи иқтисодиётдир”[7]

Иқтисодчи олимлардан Р.Валижонов, О.Қобулов, А.Эргашев бошқарув қарорларининг тури, услуби, бошқарув қарорларининг самарадорлик шартлари, раҳбарнинг қарор қабул қилиш модели хусусида фикр юритганлар. Шу билан бирга стратегик қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, қарор назоратини ташкил қилишда рақамли воситалардан фойдаланиш ҳақида илмий изланиш олиб борганлар[8].

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолани ёритишда таққослаш, гуруҳлаш, таҳлил ва синтез, абстракт мантиқий таҳлил, аналитик таҳлил, усуллардан фойдаланилди. Маълумотлар аналитик таҳлил қилиниб, Қашқадарё вилоятининг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинди ва соҳадаги муаммоларни назарий жи-

ҳатдан ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Натижада муаммолар аниқланди ва муаммоларга тегишли илмий асосланган таклифлар берилди ва мушоҳада қилиш асосида илмий хулосаларга келинди. Тадқиқот объекти сифатида Қашқадарё вилоятининг иқтисодий кўрсаткичлари ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар. Қашқадарё вилоятида рақамли иқтисодиётни самарали жорий этиш бўйича кўпгина мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг натижасида вилоятнинг иқтисодий кўрсаткичлари анчагина ўсиб бормоқда. 2021 йил якунлари бўйича Қашқадарё вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) ҳажми 43 833,3 млрд. сўм, ўсиш кўрсаткичи 2020 йилга нисбатан 107,6 фоизни ташкил қилган. Вилоятда яратилган ЯХМнинг Республика ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6,0 фоиз (2020 йилда 5,9 фоиз) ни ташкил қилган ҳолда Тошкент шаҳри, Тошкент, Навоий, Самарқанд, Фарғона вилоятларидан кейинги 6-ўрин (2020 йилда 7-ўрин) ни эгаллаган. ЯХМ таркибида саноат улуши (қурилишни қўшган ҳолда) 24,2 фоиз (2020 йилда 23,3 фоиз), қишлоқ хўжалигининг улуши 41,4 фоиз (2020 йилда 42,2 фоиз) ва хизмат кўрсатишнинг улуши 34,4 фоиз (2020 йилда 34,5 фоиз) ни ташкил қилган. ЯХМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 69 фоиз (2020 йилда 71,5 фоиз) ни ташкил қилган. Жон бошига тўғри келувчи ЯХМ ҳажми 12999,6 минг сўмни ташкил қилган ҳолда (республика ҳудудлари орасида 12-ўрин) 2020 йилга нисбатан 105,6 фоизга ошган[8].

Вилоятда 2021 йилда 18 741,1 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2020 йилга нисбатан 115,3 фоиз (ўсиш кўрсаткичи бўйича республика ҳудудлари орасида 4-ўрин) ошган. Вилоят саноат маҳсулотларининг республика саноатидаги улуши 4,1 фоиз (2020 йилда 4,0 фоиз) ни ташкил қилган ва ҳудудлар орасида 8-ўрин (2020 йилда 8-ўрин) ни эгалланган. Саноат маҳсулотларининг 26,3 фоизи (2020 йилда 34,6 фоиз) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган. Шунингдек, вилоят саноати таркибида тоғ-кон саноатининг улуши -10,8 фоиз, ишлаб чиқариладиган саноатнинг улуши -64,9 фоиз, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш саноатининг улуши -23,5 фоиз, сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш саноатининг улуши -0,8 фоизни ташкил қилган. Жон бошига тўғри келувчи саноат маҳсулотлари ҳажми 5558,1 минг сўмни (республика ҳудудлари орасида 12-ўрин) ташкил қилган ҳолда 2020 йилга нисбатан 113,1 фоизга ошган[8].

Қашқадарё вилоятида 2021 йилда 4615,4 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқа-

рилган бўлиб, 2020 йилга нисбатан 98,0 фоизни ташкил қилган. Вилоятда ишлаб чиқарилган истеъмол товарларининг республикадаги улуши 3,0 фоиз (2020 йилда 3,8 фоиз)[8] ни ташкил қилган ҳолда ҳудудлар орасида 9-ўрин (2020 йилда 9-ўрин)ни эгаллаган.

Вилоятда 2021 йилда 29352,8 млрд. сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, 2020 йилга нисбатан 102,2 фоизга ошган. Республикада жами ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларида вилоятнинг улуши 9,2 фоизни ташкил қилган ҳолда, ҳудудлар орасида 4-ўринни эгаллаган. Жон бошига тўғри келувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 8705,2 минг сўмни (республика ҳудудлари орасида 9-ўрин) ташкил қилган ҳолда 2020 йилга нисбатан 100,3 фоизга ошган.

Вилоятда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 16225,1 млрд. сўмни ташкил қилган (2020 йилга нисбатан 72,7 фоиз) ва республикадаги жами асосий капиталга киритилган инвестициялардаги улуши 6,6 фоиз (ҳудудлар орасида 6-ўрин) ни ташкил қилган. Жон бошига тўғри келувчи асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми 4811,9 минг сўмни ташкил қилган (2020 йилга нисбатан 71,4 фоиз).

Қашқадарё вилоятида 2021 йилда ташқи савдо айланмаси ҳажми 661,9 млн. АҚШ доллари ташкил қилган ҳолда, 2020 йилга нисбатан 122,1 фоизга ошган. Вилоят ташқи савдо айланмасининг Республика жами ташқи савдо айланмасидаги улуши 1,6 фоизни ташкил қилган ҳолда, ҳудудлар орасида 10-ўринни эгаллаган. Ташқи савдо айланмаси таркибида экспортнинг улуши -40,2 фоиз, импортнинг улуши -59,8 фоизни ташкил қилган. 2021 йилда жами амалга оширилган экспорт ҳажми 270,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган ҳолда 2020 йилга нисбатан 138,4 фоизга, импорт ҳажми 391,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилган ҳолда 2020 йилга нисбатан 112,9 фоизга ошган. Вилоятда амалга оширилган экспорт-импортнинг республика кўрсаткичидаги улуши мос равишда 1,6 фоиз; 1,5 фоизни ташкил қилган[9].

Вилоятда 2021 йил инвестиция дастури бўйича умумий қиймати 3,5 трлн. сўмлик 984 та лойиҳа ишга туширилган ва 8,6 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Хусусан, дастур доирасида[10]:

- Китоб туманида “Kitob ip-yigiruv” АЖ томонидан қиймати 264,6 млрд. сўм бўлган ип-калава ва мато ишлаб чиқариш (иш ўрни 425 та);

- Косон туманида “Koson Vaxt Tekstil” МЧЖ томонидан қиймати 35,0 млрд. сўм бўлган матодан тайёр трикотаж маҳсулот ишлаб чиқариш (иш ўрни 400 та);

- Муборак туманида “EMG Inter Investments” МЧЖ томонидан қиймати 7,7 млрд. сўм бўлган ун ишлаб чиқариш (иш ўрни 30 та) лойиҳаси ишга туширилди.

2022 йилда ҳудудий инвестиция дастури доирасида 627 та умумий қиймати 5,7 трлн. сўмлик инвестиция лойиҳалари (иш ўринлари 12,3 мингта) шакллантирилиб, келгуси йилда ишга туширилиши режалаштирилган. Вилоятда 2022 йилдан инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳамда экспорт ҳажмини ошириш бўйича “пастдан-юқорига” тамойили асосида, янги тизим йўлга қўйилиб, ишлар ташкил этилади.

Ҳар бир шаҳар ва туманларда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқувчи “Лойиҳа гуруҳи” ташкил этилиб, улар томонидан ҳудуднинг ер ости ва ер усти имкониятлари таҳлил қилиниб, ҳар бир шаҳар ва туманлар кесимида инвестиция ва экспорт стратегияси ишлаб чиқилди.

Шакллантирилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида салоҳиятли тадбиркорлар иштирокида ҳудудларда “Холдинг компанияси” ташкил этилади.

2023 йилда ҳудудий инвестиция дастури доирасида 627 та умумий қиймати 5,7 трлн. сўмлик инвестиция лойиҳалари (иш ўринлари 12,3 мингта) шакллантирилиб, келгуси йилда ишга туширилиши режалаштирилмоқдар[11]. Жумладан, саноат йўналишида 4,4 трлн. сўмлик 172 та (иш ўрни 8696 та), хизмат кўрсатиш йўналишида 1,0 трлн. сўмлик 334 та (иш ўрни 2556 та) ва қишлоқ хўжалиги йўналишида 352,4 млрд. сўмлик 121 та (иш ўрни 1067 та) лойиҳалар 2022 йилда ишга туширилди ва мазкур тармоқларнинг ўсиши таъминланди.

Озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда Чироқчи, Нишон ва Косон туманлари гўшт ва сутни чуқур қайта ишлашга ихтисослаштириш орқали алоҳида “Қашқадарё бренди” яратилди.

Пиллачилик кластерларида янги лойиҳаларни ишга тушириш ҳамда модернизация ҳисобига 3 та янги лойиҳа фаолияти йўлга қўйилади. Жумладан, “Afghan Bazar Silk Carpets Shakhrisabz” МЧЖ қўшма корхонасининг қўлда ипак, жун ва пахта аралашмаларидан гилам тўқиш, “Yakkabog‘ silk Production” МЧЖ ва “Chiroqchi Tolasi” МЧЖ томонидан пиллани қайта ишлаш корхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

Маҳаллий саноатни ривожлантиришда:

- Текстиль ва тўқимачилик саноати – қиймати 3,5 трлн. сўмлик 38 та лойиҳа, 6,5 мингта янги иш ўрни;

- Қурилиш материаллар саноати – қиймати 223,1 млрд. сўмлик 49 та лойиҳа, 453 та иш ўрни;

- Мебель ва қоғоз саноати – қиймати 51,0 млрд. сўмлик 17 та лойиҳа, 121 та янги иш ўрни;

- Кимё ва нефткимё саноати – қиймати 94,0 млрд. сўмлик 8 та лойиҳа, 249 та янги иш ўрни;

- Фармацевтика саноати – қиймати 4,6 млрд. сўмлик 2 та лойиҳа, 35 та янги иш ўрни;

- Озиқ-овқат саноати – қиймати 289,5 млрд. сўмлик 38 та лойиҳалар (988 та иш ўрни) амалга оширилиши белгиланган.

Жумладан, 2022 йилда ишга туширилган йирик лойиҳалар:

- Косон туманида “Бунёдкор” МЧЖ томонидан 41,9 млрд. сўмлик йиллик қуввати 2,0 млн. кв.метр газлама ҳамда 1,6 минг тонна тўқима мато ишлаб чиқариш лойиҳаси;

- “Оқсарой текстил” МЧЖ томонидан Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманларида қиймати 496,0 млрд. сўмлик ип-калава ишлаб чиқариш, Қамаша туманида 114,2 млрд. сўмлик тайёр-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳалари;

Вилоятда саноат тармоғини барқарор ривожлантириш учун саноат зоналари фаолияти кенгайтирилмоқда. Қарши аэропорти ёнидаги барча инфратузилмага эга 120 гектар майдонда, саноат технопарки ташкил этилди. Китоб туманида “Ургут эркин иқтисодий зона”си филиали йўлга қўйилиб, унда алоҳида солиқ, божхона ва ҳуқуқий режими жорий этилди.

Қашқадарё вилоятида ҳозирги кунда 78,0 гектар майдонда 28 та кичик саноат зоналари ташкил қилинган. Мазкур саноат зоналарда қиймати 475,7 млрд. сўм бўлган 58 та лойиҳа ишга туширилган ва 691 та янги иш ўринлари яратилган. Кичик саноат зоналари давлат томонидан зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминланган. Бундан ташқари, 2022 йилда 8 та кичик саноат зонаси, шундан 2 та кластер усулида мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган кичик саноат зоналари ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[12] ПҚ-5088-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 майдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳамда ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида”ги[13] 294-сонли қарори ҳамда президентимизнинг ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида берган топшириқларига асосан вилоятда жорий йилда 15 та Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ташкил қилинган. Мазкур саноат зоналарининг жами ер майдони 24,5 гектар бўлиб 305 та лотларга ажратилган. Туман (шаҳар) ҳо-

кимликлари томонидан Ёшлар саноат зоналари-га жойлаштириш учун қиймати 207,2 млрд. сўм бўлган 219 та лойиҳа аниқланган. Бунинг натижасида 1942 та янги иш ўринлари яратилади.

Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида “FURSAT” лойиҳаси ташкил этилган (fursatloyiha.uz) бўлиб, унда 3 та йўналиш мавжуд[11]:

1. Бизнес-режа қилиш. Бунда ёш тадбиркор томонидан www.fursatloyiha.uz орқали бизнес-режа тайёрлаш ёки мавжуд бизнес-режани мукаммаллаштириш учун ариза юборилади. “Лойиҳалар фабрикаси” аризани ўрганиб, ёш тадбиркор билан гаплашади ва бизнес-режани тайёрлаб, ёш тадбиркорга топширади.

2. Ер олиш (Бино-иншоот). Бунда ёш тадбиркор томонидан www.fursatloyiha.uz орқали Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналаридан ер олиш (Бино-иншоот) учун ариза юборилади. Аризага бизнес-режа илова қилинади. Туман (шаҳар) ишчи гуруҳи аризани ўрганиб чиқиб, ижобий ёки рад этиш бўйича хулоса беради. Ижобий хулоса берилганда, ишчи гуруҳ хулосани ер майдони бўйича кадастр агентлигининг туман (шаҳар) бўлимига беради. Кадастр бўлими хулоса параметрлари асосида ер майдонини аукцион савдоларига чиқаради. Бино-иншоот бўйича Давлат активларини бошқариш агентлиги беради. Давлат активларини бошқариш агентлиги бино-иншоотни сотиш ёки ижарага бериш бўйича хулоса параметрлари асосида аукцион савдоларига чиқаради. Ёш тадбиркор, Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарига кирмаган ҳудуддан ер майдонлари сотиб олиши мумкин. Бунинг учун кадастр агентлигининг туман (шаҳар) бўлимига тўғридан-тўғри мурожаат қилади (ариза беради). Кадастр бўлими тадбиркор мурожаати асосида ер майдонини аукцион савдоларига чиқаради.

3. Кредит олиш. Ёш тадбиркор томонидан www.fursatloyiha.uz орқали кредит олиш учун ариза юборилади. Аризага бизнес-режа ва лойиҳа жойлашган жойи ҳужжатлари (ҳоким қарори, аукцион баёни ёки кадастр ҳужжати) илова қилинади. Ариза масъул банк томонидан кўриб чиқилади, ёш тадбиркордан банк регламенти бўйича қўшимча ҳужжатлар зарур бўлганда сўралади. Масъул банк барча ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ижобий қарор қабул қилади ёки асослантирилган рад жавобини беради. Маъқулланган инвестиция лойиҳалари бўйича масъул банк Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига буюртманомга беради. Вазирликда маъқулланган лойиҳалар бўйича маблағлар банк талабномасига асосан ажратилади.

“FURSAT” лойиҳасида кредитлар 18-30 ёшдаги барча ёш тадбиркорларга берилиши мумкин. Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида бўлмаган ёшларга ҳам берилади. Кредитлар бир

ёш тадбиркорлик субъекти учун 100 минг АҚШ доллари миқдоригача (миллий валютада йиллик 14 фоиз, хорижий валютада эса йиллик 3 фоиз миқдорида) 7 йилгача муддат билан ажратилади. Бунда лойиҳа Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида амалга оширилганда қуйидаги кафилик берилади:

-50 фоиз, бироқ 500 млн сўмгача, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси;

-50 фоиз, бироқ 500 млн сўмгача, йиллик 2 фоиз ставкасида, устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан зиёд бўлган суғурта ташкилотлари суғурта полисини тақдим этади.

Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида бўлмаган инвестиция лойиҳалари бўйича кафилик масъул банк регламенти бўйича амалга оширилади.

Вилоятда ҳозирги кунда бўш турган 106 та лотлар аукцион савдоларига чиқарилган, жумладан:

- Қамаш туманида – 2 та;
- Қарши туманида – 32 та;
- Муборак туманида – 7 та;
- Касби туманида – 7 та;
- Шаҳрисабз туманида – 2 та;
- Нишон туманида – 22 та;
- Ғузур туманида – 24 та;
- Деҳқонобод туманида 10 та;

Вилоятдаги ёш тадбиркорлар мазкур ер майдонларидан белгиланган тартибда олиб фойдаланишлари мумкин.

Вилоятда 2021 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция маблағлари ҳисобидан 165,5 млн. доллар хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиб (110 фоиз), 6 та лойиҳа тўлиқ қувватда ишга туширилди. Жумладан:

- Китоб туманида “Kitob Ip Yigiruv” МЧЖ ҚК томонидан қиймати 24,0 млн. долларлик ип-калава ишлаб чиқариш (иш ўрни 400 та);

- Қарши шаҳрида “Uz shoes” МЧЖ ҚК томонидан қиймати 4,5 млн. долларлик пойабзал ишлаб чиқариш лойиҳалари ишга туширилди.

Шунингдек, 2022 йилда 225,3 млн. доллар қийматида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бунинг натижасида вилоятда йирик объектлардан бири бўлган Китоб туманидаги “Qarshi conch sement” МЧЖ ҚК томонидан амалга оширилаётган 150 млн. долларлик йилига 1,2 млн тонна цемент ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди.

Вилоятда 2021 йил якуни билан 217,4 млн. долларлик саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб, ўтган йилга нисбатан 168 фоиз ўсишга эришилди. Шунингдек, 5 турдаги янги маҳсулотлар экспортини ўзлаштириш ҳисобига экспортбоп маҳсулотлар сони 120 тага етказилди. Дунёнинг 7 та дав-

латларга – Белгия, Испания, Швейцария, Иордания, Голландия, Австралия, ва Чехияга маҳсулотлар экспорти амалга оширилиб, вилоят бўйича ўзлаштирилган экспорт географияси 40 тага етказилди.

Қайд этиш лозимки, 2021 йилда вилоятда маиший электротехника маҳсулотларининг илк бор экспорти йўлга қўйилди. Озорбайжон ва Қозоғистонда вилоятимизда ишлаб чиқарилган телевизор ва музлаткич (кондиционер)лар экспорти амалга оширилди. 2022 йилда умумий 248,4 млн. долларлик саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти амалга оширилди ҳамда 2021 йилга нисбатан 150 фоиз ўсишга эришилди. 2022 йил давомида 25 та (тайёр кийимлар, чарм пойабзал, керамик ва гранит плиткалар, озиқ-овқат ҳамда мева-сабзавотлар) янги турдаги маҳсулотлар экспорти йўлга қўйилди ҳамда Вьетнам, Италия, Дания, Чили давлатларининг экспорт географиясини ўзлаштириш бўйича ишлар олиб борилди.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагиларни ҳисобга олиб,

- вилоятда рақамли технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланиш, уларнинг мавжудлиги ва сифати, тайёргарлик босқичлари ва ривожланишнинг турли даражаларини, дастурларини ишлаб чиқиш лозим;

- минтақавий даражадаги оқилона иқтисодий тизимни шакллантириш учун барқарор иқтисодий ўсиш нуқталарини аниқлаш, минтақанинг ривожланиш соҳалари ва йўналишларини нафақат замонавий шароитда рақамли шакллантиришни эмас, балки биринчи навбатда, инсон ресурсларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш йўли билан давлат-хусусий сектор ҳамкорлиги асосида иқтисодий ва инновацион ривожлантириш учун маблағ ажратиш;

- дастурий таъминотни фаоллаштиришга қаратилган оммавий ахборотлаштиришни ривожлантириш, аппаратни янгилаш, тармоқ технологияларини ривожлантириш транзакцион секторнинг ривожига кўмаклашиш;

- рақобатбардош иқтисодиётни ривожлантиришнинг ғояларини тарқатиш, ахборот бозори сифатида тавсифланган ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланиш соҳасида истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар, воситачилар ўртасидаги савдоси ахборот маҳсулотлари бозорини шакллантириш;

- хорижий тажрибалардан мамлакатимиз менталитетига хос жиҳатларини, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида амалиётга қўллаш;

- вилоятнинг аҳоли фаровонлигини ошириш, вилоятнинг иқтисодий ўсишини таъминлаш учун инвестицион жозибадорлигини оши-

риш, рақамли технологиялар ёрдамида вилоят- кўрсатиш, инвестицияларни жалб этиш.
нинг имкониятларини, шарт-шароитларини

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. "Халқ сўзи" газетаси 2022 йил 20 март. 30-сон. 3 бет.
2. Fang Zhao Joseph Wallis Mohini Singh, (2015), "E-government development and the digitaleconomy: a reciprocal relationship", Internet Research, Vol. 25 Iss 5 pp. 734 - 766 https://www.researchgate.net/publication/283102868_E-government_development_and_the_digital_economy_a_reciprocal_relationship
3. Li, E.; Chen, Q.; Zhang, X.;Zhang, C. Digital GovernmentDevelopment, Local Governments'Attention Distribution and EnterpriseTotal Factor Productivity: Evidencefrom China. Sustainability 2023, 15,2472. <http://dx.doi.org/10.3390/su15032472>
4. Шнепс-Шенне М.А., Намиот Д.Е. Цифровая экономика: телекоммуникации – решающее звено. – М.: Горячая линия. –Телеком, 2018. -150 стр.
5. Лапидус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. – М.: ИНФРА -М, 2018. -381 с.
6. Холмўминов Ш.Р. Маҳаллий бошқарув кадрлари менежменти. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. – Т., 2004. 39-51-бетлар
7. Гулямов С.С., Балтабаева Г.Р. ва бошқалар. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялари. – Т.: "Наврўз" нашриёти, 2019 йил.-192 бет.
8. Валижонов Р., Қобулов О., Эргашев А. Менежмент асослари. – Т.: "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2002. 102- 111-бетлар.
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.
10. www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари
11. <https://www.qashstat.uz/uz/> Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси Қашқадарё вилояти Статистика бошқармаси
12. <https://qashqadaryo.uz/uz/> – Қашқадарё вилояти ҳокимлиги расмий веб сайти
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 апрелдаги "Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш ва уларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 майдаги "Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳамда ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 294-сонли қарори.



**ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА ТАЪСИРИ**

**Баҳодиров Нўмонхон Камолхонович -
Фарғона политехника институти
мустақил изланувчиси**

doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a11

Аннотация. Мақолада тўқимачилик саноати корхоналарининг рақамлаштириш шароитидаги самарадорлиги таҳлил қилинган. Корхоналар фаолиятини рақамлаштиришнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилувчи ижобий ва салбий ҳолатлар баён қилинган. Рақамлаштириш тўқимачилик саноатига қандай таъсир қилиши ва унинг мижозлари, савдо каналлари, тўқимачилик маҳсулотлари ҳамда тўқимачилик саноатининг қиймат занжири учун қандай оқибатларга олиб келиши ўрганилган. Таҳлилларга таянган ҳолда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: тўқимачилик саноати, рақамли инновация, рақамли иқтисодиёт, самарадорлик, таъсир қилувчи омиллар, ишлаб чиқариш технологиялари, молиявий ташкилот, меҳнат самарадорлиги.

**ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ НА ЭКОНОМИЧЕСКУЮ ЭФФЕКТИВНОСТЬ
ПРЕДПРИЯТИЙ ТЕКСТИЛЬНОЙ ОТРАСЛИ**

**Баҳодиров Нўмонхон Камолхонович -
Самостоятельный соискатель,
Ферганский политехнический институт**

Аннотация. В данной статье анализируется эффективность предприятий текстильной отрасли в условиях цифровизации. Описаны положительные и отрицательные ситуации, влияющие на эффективность производства цифровизации деятельности предприятий. В нем рассматривается, как цифровизация влияет на текстильную промышленность и последствия для ее клиентов, каналов продаж, текстильной продукции и текстильной цепочки создания стоимости. На основе анализа даются предложения и рекомендации по повышению эффективности производства.

Ключевые слова: Текстильная промышленность, цифровые инновации, цифровая экономика, эффективность, влияющие факторы, технологии производства, финансовая организация, производительность труда.